

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Ўқув ишлари бўйича проректор  
Профессор————Тешаев О.Р.  
« ————« —————«2017 й.

**АНАТОМИЯ ВА ОХТА кафедрасининг талабалар мустақил ишини  
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тўғрисида  
НИЗОМИ.**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343 –сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига , Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги 2009 йил 11 июндаги 240-сонли, 2010 йил 25 августдаги 333-сонли, 2013 йил 13 декабрдаги 470- сонли ва 2014 йил 26 декабрдаги 14-сонли буйруқлар ва Низомларга мувофиқ ҳамда Тошкент тиббиёт академиясида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимига асосан, Анатомия ва Охта кафедраси Анатомия фани бўйича таҳсил олаётган талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солади.

Ўқув жараёни модуль тизимига асосланган ҳолда ташкил этилганида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланиши мумкин.

**Умумий қоидалар.**

1. Талабалар билимини назорат қилиш ва рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад фаннинг таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш , талабаларнинг Анатомия фанини ўзлаштиришда бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш , уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.
2. Фаннинг рейтинг тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
  - а) Талабаларда Давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиб бориш
  - б) Талабалар билими , кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари : Давлат таълим стандартларига асосланганлик , аниқлик, ҳаққонийлик , ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш
  - в) Фаннинг талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва таҳлил қилиш

- г)Талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш.
  - д) Талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш , ҳамда натижаларини вақтида маълум қилиш
  - е) Талабаларнинг тиббий биологик фанлар бўйича комплекс ва узликсиз тайёргарликларини таъминлаш.
  - ж) Ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.
- з).Фан бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Анатомия фани бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот-ресурслари билан тўла таъминланган.

Фан бўйича талаба мустақил иши шакллари қуйидагича белгиланган:

1. Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
2. Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
3. Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
4. Машғулот мавзулари бўйича альбомларга расмлар чизиш;
5. Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
6. Илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
7. Кейс ечиш;
8. График органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
9. Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
10. Вазиятли масалалар ечиш;
11. Алоҳида олинган аъзоларни ўрганиш .

Талаба мустақил иши аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

### **Аудиториядаги мустақил иш**

Аудиториядаги талаба мустақил иши амалий машғулотларда ўқитувчи назорати остида амалга оширилади ва у аъзоларни ўрганиш ва расмини чизиш, суякларнинг дўмбоқлари ғалтаклар, биллак артерияси пульсини аниқлаш каби, бундан ташқари вазиятли масалаларни ечиш, жадвал, кроссвордлар тўлдириш каби индивидуал топшириқларни ўз ичига олади. Мустақил ишни ўтказиш давомида ўқитувчи ҳар бир талаба билан индивидуал ишлайди, мустақил ишни бажариш бўйича маслаҳат беради, иш натижаларини текширади.

### **Аудиториядан ташқари мустақил иш**

Аудиториядан ташқари мустақил иш амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, машғулот мавзулари бўйича презентациялар тайёрлаш, уй вазифаларини бажариш, айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш, расмлар чизиш фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш, илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш каби иш турларини ўз ичига олиб, у талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий ва оралик назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

**Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми  
5510100-даволаш иши, 5111000 – Касб таълими (5510100 –Даволаш  
иши), Тиббий-профилактика(5510300),Тиббий-биология иши(5510900)**

№	Мустақил таълим мавзулари	Берилган топшириқлар	Бажариш муддати	Ҳажми (соатда)	
				Даволаш	Тиббий профилактика
<b>I семестр</b>					
1	Скелетнинг сигментар тузилиши. Умurtқаларнинг ёшга ва жинсга қараб ўзгариши.	Расмлар чизиш. Презентациялар тайёрлаш. Индивидуал топшириқларни бажариш	1-ҳафта	1	1
2	Кўкрак қафаси суякларининг ёшга қараб ўзгариши, уларнинг тузилишига меҳнат ва спортнинг таъсири.	Реферат ёзиш. препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Презентациялар тайёрлаш	2-ҳафта	1	1
3	Қўл суякларининг вариант анатомияси .Қўл суяклари тузилишига ички ва ташқи омилларнинг таъсири.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат ёзиш. Презентациялар тайёрлаш	3-ҳафта	1	1
4	Чанoқ ва oёқ суякларининг ёшга қараб ўзгариши. Суяк ривожланишига спорт ва меҳнатнинг таъсир. Уларнинг ёшга ва жинсга нисбатан фарқлари	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат ёзиш. Презентация тайёрлаш	4-ҳафта	1	1
5	Калла суякларининг ёшга қараб ўзгариш хусиятлари. Калла	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат	5-ҳафта	1	1

	суякларининг ёшга ва жинсга нисбатан фарқи.	тайёрлаш.Презентация қилиш			
6	Чакка суякларининг ёшга ва жинсга доир ўзгариш хусусиятлари.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш.Презентация қилиш	6- хафта	1	1
7	Юз суякларининг ёшга ва жинсга нисбатан фарқлари. Уларнинг ривожланишдаги аномалиялари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Микропрепаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	7- хафта	1	1
8	Чакка ,чакка ости ва қанот-танглай чуқурчаларининг анатомик хусусиятлари.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	8- хафта	1	1
9	Ёш болалар калла суякларининг хусусиятлари.Ривожланишдаги аномалиялари.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш.	9- хафта	1	1
10	Тана бўғимларининг ривожланиши. Умуртқа бирлашаларининг ривожланишдаги ўзгариш хусусиятлари. Физиологик қийшаймаларнинг пайдо бўлиш даврлари.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш.Презентация қилиш	10- хафта	1	1
11	Қўл суяклари бирлашмалари ривожланишига спорт ва меҳнатнинг таъсири.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	11- хафта	1	1
12	Чанокнинг индивидуал хусусиятлари.Чанок ва оёқ бўғимлари ривожланишига спорт ва меҳнатнинг таъсири.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш.Презентация қилиш	12- хафта	1	1
13	кўндаланг тарғил ва силлиқ мушакларнинг ривожланишидаги асосий фарқлар.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш.Презентация қилиш.	13- хафта	1	1
14	Тана мушаклари ривожига спорт ва меҳнатнинг таъсири.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	14- хафта	1	1
15	Чов канали ривожланиши.Чов чурраси ҳосил бўлишига ташқи ва ички факторларнинг таъсири.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	9- хафта	1	1
16	Қўлтиқ ости чуқурчаси чегараси ва анатомик хусусиятлари.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	16- хафта	1	1

17	Сон каналнинг жинсга нисбатан фарқи.Сон чуррасининг ҳосил бўлишида ички ва ташқи омилларнинг таъсири.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	17-хафта	1	1
18	Бўйин учбурчакларининг клиник аҳамияти.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Индивидуал топшириқларни бажариш. Реферат тайёрлаш	18-хафта	1	1
<b>Жами</b>				<b>18</b>	<b>18</b>

### II-семестр

19	Ҳазм системаси вариант анатомияси.Онтогенези ва ёшга қараб ўзгариши	Препаратларни ўрганиш.ва расмини чизиш. Презентациялар1 тайёрлаш. Индивидуал топшириқларни бажариш	1-хафта	1	1
20	Оғиз бўшлиғи аъзолари ривожланишдаги аномалиялар	Презентация тайёрлаш. Реферат ёзиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	2-хафта	1	1
21	Пирогов лимфа эпителиал ҳалқасининг клиник аҳамияти ёшга доир ўзгаришлари.	Препаратларни ўрганиш расмини чизиш. Реферат ёзиш. Презентация тайёрлаш	3-хафта	1	1
22	Меъда ингичка ва йўғон ичаклар тузилишинингва вазифасининг ўзига хослиги.	Препаратларни ўрганиш ва расмини чизиш. Презентация тайёрлаш Индивидуал топшириқларни бажариш	4-хафта	1	1
23	Жигар,меъда ости беэанатомияси. Постнатал тараққиётга ташқи омилларнинг таъсири	Препаратлар ўрганиш ва расмини чизиш. Презентациялар тайёрлаш. Индивидуал топшириқлар бажариш	5-хафта	1	1
24	Талокда учрайдиган аномалиялар. Ривожланишнинг ёшга қараб ўзгариши.	Адабиётлардан ўрганиш.Расм чизиш. Презентациялар тайёрлаш	6-хафта	1	1
25	Қорин парданинг жинсга нисбатан вариант анатомияси	Препаратлардан ўрганиш.Презентация тайёрлаш.Расмини чизиш	7-хафта	1	1
26	Бурунда учрайдиган аномалиялар.	Адабиётлардан ўрганиш .Расмини чизиш Индивидуал топшириқ бажариш	8-хафта	1	1

27	Нафас аъзоларининг тараққиётига омилларнинг таъсири	Адабиётлардан фойдаланиш расмлар чизиш.Индивидуал топшироқлар бажариш	9-хафта	1	1
28	Айриш аъзоларида учрайдиган аномалиялар	Адабиётлардан фойдаланиш.Расмлар чизиш.Индивидуал топшириклар бажариш	10-хафта	1	1
29	Айриш аъзоларининг тараққиётига омилларнинг таъсири	Реферат тайёрлаш.Расмлар чизиш.Презентация тайёрлаш	11-хафта	1	1
30	Таносил аъзоларининг тараққиётига омилларнинг таъсир	Рефератлар тайёрлаш.Расмлар чизиш.Индивидуал топширик бажариш	12-хафта	1	1
31	Таносил аъзоларида учрайдиган аномалиялар	Препаратлар кўриш.Расмлар чизиш .презентеция тайёрлаш	13-хафта	1	1
32	Юрак ривожланишида учрайдиган аномалиялар	Препаратлар кўриш.презентация тайёрлаш.расмлар чизиш.	14-хафта	1	1
33	Ўмров ости артерияси ва қўл артериялари ривожига омилларнинг таъсири.	Адабиётлардан ўрганиш.расмлар чизиш.Презентациялар тайёрлаш	15-хафта	1	1
34	Чаноқ ва оёқ артериаларида учрайдиган аномалиялар	Адабиётлардан ўрганиш расмлар чизиш Презентациялар тайёлаш	16-хафта1	1	1
35	Вена системаси тараққиётига омилларнинг таъсири	Адабиётлардан ўрганиш раслар чизиш.презентациялар тайёрлаш	17-хафта	1	1
36	Лимфа тизими фило-онтогенези.	Адабиётлардан ўрганиш.Расмлар чизиш.рефератлар тайёрлаш	18-хафта	1	1
	Жами			18	18
		<b>III-семестр</b>			
37	Нерв тизими онтогенези	Адабиётлардан ўрганиш.Расмлар чизиш.реферат ёзиш	1-хафта	1	1
38	Орқа мия	Препарат кўриш.презентация	2-	1	1

	тарақиётида учрайдиган аномалиялар	тайёрлаш.Расмлар чизиш	хафта		
39	Бош мия ривожланишида учрайдиган аномалиялар	Адабиётлардан ўрганиш.Расмлар чизиш.Реферат ёзиш	3-хафта	1	1
40	Ўрта ва оралик мия ривожланишига омилларнинг таъсири.	Адабиётлардан ўрганиш.Расмлар чизиш.Реферат ёзиш	4-хафта	1	1
41	Бош мия ярим шарларининг ёшга доир ўзгаришлари	Адабиётлардан ўрганиш Расмлар чизиш.презентация тайёрлаш	5-хафта	1	1
42	Базал ўзакларнинг клинко-анатомик аҳамияти.	Адабиётлардан ўрганиш.Реферат ёзиш.Индивидуал топшириқлар бажариш	6-хафта	1	1
43	Бош ва орқа мия ўткаув йўлларида учрайдиган аномалиялар	Адабиётлардан ўрганиш. Презентация тайёрлаш.	7-хафта	1	1
44	Бўйин чигалида учрайдиган аномалиялар.	Расмлар чизиш. Презентация тайёрлаш. Реферат ёзиш	8-хафта	1	1
45	Бел-думғаза ва дум чигалида учрайдиган аномалиялар	Расмлар чизиш. Презентация тайёрлаш. Реферат ёзиш	9-хафта	1	1
46	Бош мия нервларининг тарққиёти	Презентация тайёрлаш. Реферат ёзиш Расмлар чизиш	10-хафта	1	1
47	Бош мия нервларининг қон томирларга нисбатанмуносабати	Адабиётлардан ўрганиш.Презентация тайёрлаш.Расмлар чизиш	11-хафта	1	1
48	Бош мия нервларининг ёшга доир хусусиятлари	Адабиётлардан ўрганиш.Расмлар чизиш.Реферат ёзиш	12-хафта	1	1
49	Симпатик нерв тизимининг ёшга доир ўзгаришлари	Адабиётлардан ўрганиш.Реферат ёзиш	13-хафта	1	1
50	Парасимпатик нерв тизимининг ёшга доир ўзгаришлари	Адабиётлардан ўрганиш.Реферат ёзиш	14-хафта	1	1

51	Кўриш аъзолари ривожланишида учрайдиган аномалиялар	Адабиётлардан ўрганиш.Расмлар чизиш.Презентация тайёрлаш	15-хафта	1	1
52	Эшитиш аъзоларида учрайдиган аномалиялар	Адабиётлардан ўрганиш Расмлар чизиш.Презентация тайёрлаш	16-хафта	1	1
53	Сезги аъзолари фило-онтогенезига омилларнинг таъсири	Адабиётлардан ўрганиш. Презентация тайёрлаш.Реферат ёзиш	17-хафта	1	1
54	Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарининг беқиёс аҳамияти	Адабиётлардан ўрганиш.Реферат ёзиш.	18-хафта	1	1
	Жами			18	18
	Умумий			54	54

#### **Мустақил таълим учун тавсия этиладиган реферат мавзулари.**

1. Тана скелети анатомияси.
2. Қалла суяклари анатомияси.
3. Қалла суякларида учрайдиган аномалиялар
4. Юз-жағ суякларида учрайдиган аномалиялар.
5. Бўғим ва бирлашмалар фило-онтогенези.
6. Мушак тизими Классификацияси.
7. Чов канали аномалиялари.
8. Оғиз бўшлиғида учрайдиган аномалиялар.
9. Меъдада учрайдиган аномалиялар.
10. Чувалчангсимон ўсимта жойлашиш шрин вариантлари.
11. Жигар ривожланишида учрайдиган аномалиялар
12. Айирув системасида учрайдиган аномалиялар.
13. Таносил аъзоларида учрайдиган аномалиялар.
14. Юракда учрайдиган аномалиялар.
15. Уйқу артерияси аномалиялари.
16. Оёқ артериялари аномалиялари.
17. Вена тизимида учрайдиган аномалиялар.
18. Ибн Синонинг”Тиб қонунлари”асари

#### **Фан бўйича амалий кўникмалар рўйхати**

1. ҮП бўйин умуртқаси қиррали ўсимтасини топа олиш;
2. Умуртқа ва қовурғаларни ҳисоблаб топиш;
3. Бўйинтириқ чуқурчасини топиш;
4. Найсимон суяклар туриб чиққан жойларни кўрсата олиш;
5. Органлар голотопияси ва скелетопиясини билиш
- 6.Юрак чегарасини кўрсатиш

7. Уйқу учбурчагида уйқу артериясини топиш.

8. Орқа мия сегментлари скелетопия, орқа мия атрофидаги субарахноидал бўшлиқнинг пункция этиш соҳасини кўрсатиш .

9. Юзда бош мия нервлари тармоқлари шохларини чиқиш соҳасини кўрсатиш.

### Талабалар билимини жорий баҳолашда қуйидаги мезонлар инобатга олинади

Ўзлаштириш (%) ва балларда	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
96-100	Аъло «5»	<p>Машғулот мавзуси бўйича талабанинг жавоби тўлиқ, турли манбалардан олинган қўшимча маълумотларга бой, билим ҳажми дастур доирасидан чиқади. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни тўлиқ ўзлаштирган ва қўшимча адабиётлар билан таниш. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажаради. Вазиятли масалаларни ечишда ижодий фикрлайди, аниқ жавоб беради ва жавобини мантиқан асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз фикрини ҳимоя қила билади. Мавзу бўйича биология, гистология нормал физиология ва биокимё фанларидан олган билимларини умумлаштиради, мустақил хулоса ва қарор қабул қила олади. Интерактив ўйинларда фаол ва ижодий қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, препаратлар элементларини аниқ билади, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли:</b> мавзунини мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш</p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Реферат мавзуси ҳар томонлама ва тўлиқ очиб берилган, матн мантиқий кетма-кетликда ифодаланган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлар мавжуд.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, уларни ечишда ижодий ёндошган, жавоб асосланган.</p>

		<p>Жадваллар тўғри тўлик тўлдирилган.</p> <p><b>Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш:</b></p> <p>Талаба ТИЖда мустақил тажрибалар олиб борган ва олинган натижаларни алоҳида қайд этган, статистик ишловдан ўтказган ва ушбу тадқиқот иши бўйича мустақил, аниқ, мантиқий асосланган саводли хулосалар чиқарган. Талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплаган, таҳлил қилган, тизимлаштирган. Тайёрлаган мақола, тезис ёки маърузаси талабанинг тажрибада олган илмий натижалари ва адабиёт маълумотлари тахлилига асосланган.</p>
91-95	Аъло «5»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби тўлик, дастур доирасида, мантиқан асосланган, ишонч билан жавоб беради. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни тўлик ўзлаштирган ва қўшимча адабиётлар билан таниш. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз фикрини ҳимоя қила билади. Интерактив ўйинларда фаол ва ижодий қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлик эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, б препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Реферат мавзуси ҳар томонлама ва тўлик очиб берилган, матн мантиқий кетма-кетликда ифодаланган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлар мавжуд.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, уларни ечишда ижодий ёндошган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлик тўлдирилган.</p> <p><b>Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш:</b></p> <p>Талаба ТИЖда мустақил тажрибалар олиб борган ва олинган натижаларни алоҳида қайд этган, статистик ишловдан ўтказган ва ушбу тадқиқот иши бўйича мустақил, аниқ, мантиқий асосланган саводли хулосалар чиқарган. Талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли</p>

		материаллар тўплаган, таҳлил қилган, тизимлаштирган. Тайёрлаган мақола, тезис ёки маърузаси талабанинг тажрибада олган илмий натижалари ва адабиёт маълумотлари тахлилига асосланган.
86-90	Аъло «5»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби тўлиқ, дастур доирасида, мантиқан асосланган, ишонч билан жавоб беради. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни тўлиқ ўзлаштирган ва қўшимча адабиётлар билан қисман таниш. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз фикрини ҳимоя қила билади. Интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Реферат мавзуси тўлиқ очиб берилган, матн мантиқий кетма-кетликда ифодаланган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлар мавжуд.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, уларни ечишда ижодий ёндошган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p> <p><b>Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш:</b></p> <p>Талаба ТИЖда мустақил тажрибалар олиб борган ва олинган натижаларни алоҳида қайд этган, статистик ишловдан ўтказган ва ушбу тадқиқот иши бўйича мустақил, аниқ, мантиқий асосланган саводли хулосалар чиқарган. Талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплаган, таҳлил қилган, тизимлаштирган. Тайёрлаган мақола, тезис ёки маърузаси талабанинг тажрибада олган илмий натижалари ва адабиёт маълумотлари тахлилига асосланган.</p>
81-85	Яхши «4»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби тўлиқ, дастур доирасида, ишонч билан жавоб беради. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни яхши ўзлаштирган. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозараларда фаол қатнашади, ўз</p>

		<p>фикрини ҳимоя қила билади. Интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, барча препаратлар ташҳисотини босқичма-босқич тўғри амалга оширади, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш, реферат, илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Альбомларга расмлар чизиш</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p>
76-80	Яхши «4»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби дастур доирасида. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни яхши ўзлаштирган. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослайди. Мавзу муҳокамаси, мунозаралар ва интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллаган, мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда олган назарий билимларини қўллайди, барча препаратлар ташҳисотини босқичма-босқич тўғри амалга оширади, препаратдаги барча тузилмаларни тўғри кўрсатади, асослайди ва тушуниб чизади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p>
71-75	Яхши «4»	<p>Мавзу бўйича талабанинг жавоби дастур доирасида. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирган. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажаради. Вазиятли масалаларга аниқ жавоб беради, асослашда бирмунча қийналади. Мавзу муҳокамаси, мунозаралар ва интерактив ўйинларда фаол қатнашади.</p> <p>Мавзуга оид анатомик препаратларни ўрганишда</p>

		<p>олган назарий билимларини қўллайди, препаратдаги тузилмаларни тўғри кўрсатади ва тушуниб чизади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган, тизимга солган. Мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавоб асосланган. Жадваллар тўғри тўлиқ тўлдирилган.</p>
66-70	Қониқарли «3»	<p>Жавоби дастурнинг 60-70%ни ташкил қилади. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга, қўшимча саволларга жавоб тўлиқ эмас. Вазиятли масалаларни ечишда айрим хатоликларга йўл қўяди. Интерактив ўйинларда суст қатнашади.</p> <p>Мавзуга оид анатомик препаратларни қадамма-қадам ташхислашда айрим хатоликларга йўл қўяди, препаратдаги тузилмаларни тўғри кўрсатади, лекин асослашда қийналади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган. Мавзу моҳияти ёритилган, аммо арзимас камчиликлар мавжуд.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни тўғри ечган, жавобни асослашда қийналади. Жадвалларни тўлдиришда арзимас камчиликларга йўл қўйган.</p>
61-65	Қониқарли «3»	<p>Жавоби дастурнинг 55-60%ни ташкил қилади. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни қисман ўзлаштирган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга, қўшимча саволларга қисман жавоб беради. Вазиятли масалаларни ечишда айрим хатоликларга йўл қўяди. Интерактив ўйинларда суст қатнашади.</p> <p>Мавзуга оид анатомик препаратларни қисмларини кўрсатишда хатоликларга йўл қўяди, препаратдаги аъзонинг номини тўғри айтади, лекин асослашда, айрим тузилмаларни кўрсатишда қийналади.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан фойдаланиб материаллар йиғган, таҳлил қилган. Мавзу моҳияти ёритилган, аммо қатор камчиликлар мавжуд.</p>

		<p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органиайзерларни ечишда айрим хатоликларга йўл кўйган, жавобини асослай олмайди. Жадвалларни тўлдиришда камчиликларга йўл кўйган.</p>
55-60	Қониқарли «3»	<p>Жавоб дастурнинг 50-55%ни ташкил қилади, кўшимча саволларга жавоб йўқ. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни қисман ўзлаштирган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга, кўшимча саволларга қисман жавоб беради. Вазиятли масалаларни мустақил еча олмайди. Интерактив ўйинларда суст қатнашади.</p> <p>Амалий кўникмаларни қисман эгаллаган, анатомик препаратдаги аъзо номини тўғри айтади, лекин тузилмаларни кўрсата олмайди, препаратлардаги тузилмаларни чизмада тасвирлашда хатоликларга йўл кўяди.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</b></p> <p><b>Реферат тайёрлаш.</b> Талаба асосий адабиётлардан фойдаланиб материаллар йиғган, аммо таҳлил қилмаган. Мавзу моҳияти ёритилмаган.</p> <p><b>Ижодий ишлаш.</b> Машғулотда берилган вазиятли масалалар, кроссвордлар, органиайзерларни мустақил еча олмайди, жавобини асослай олмайди. Жадвалларни тўлдиришда камчиликларга йўл кўйган.</p>
31- 54	Қониқарсиз «2»	<p>Жавоб дастурнинг 30-40%ни ташкил қилади, назарий саволлар бўйича аниқ тасаввурга эга эмас. Кўшимча саволларга жавоб йўқ. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирамаган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввур чалкаш. Вазиятли масалаларни еча олмайди. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажармайди.</p> <p>Анатомик препаратдаги тузилмаларни тушунмайди, номини айтиб беролмайди, ўқитувчи сўраган тузилмаларни препаратдан топиб, кўрсата олмайди, уларнинг тузилиши ҳақида фикрга эга эмас.</p> <p><b>Мустақил иш шакли: мавзунини мустақил ўзлаштириш ва расм чизиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш. Альбомларга расмлар чизиш.</b></p> <p>Расмлар тўлиқ чизилмаган. Реферат учун материаллар тўплаган, лекин ёзмаган. Вазиятли масалалар, кроссвордлар, органиайзерларни еча олмайди.</p>
0-30	Қониқарсиз «2»	<p>Жавоб дастурнинг 20-30%ни ташкил қилади, саволларга жавоб йўқ. Дастурда тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштирамаган. Аъзонинг структур-функционал хусусиятлари бўйича тасаввурга эга эмас. Вазиятли масалаларни еча олмайди. Машғулотда берилган вазифаларни ўз вақтида бажармайди.</p> <p>Анатомик препаратдаги тузилмаларни тушунмайди,</p>

		номини айтиб беролмайди, ўқитувчи сўраган тузилмаларни препаратдан топиб, кўрсата олмайди, уларнинг тузилиши ҳақида фикрга эга эмас.
		<b>Мустақил иш шакли: мавзуни мустақил ўзлаштириш ва расм чизиш, реферат тайёрлаш, ижодий ишлаш.</b> Расмлар чизилган ва реферат учун материаллар тўпланмаган, таҳлил қилинмаган. Вазиятли масалалар, кроссвордлар, органайзерларни еча олмайди.

### **Назорат турлари ва уларни амалга ошириш тартиби.**

Анатомия фанидан мустақил ишларини назорат турлари, уни ўтказиш тартиби ва мезонлари Тошкент тиббиёт академияси да талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомга асосланиб, кафедра мудирини тавсиясидан сўнг, кафедра мажлисида барча ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, қабул қилинган қарор, факультет ўқув услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади, ҳамда фаннинг ишчи дастурида машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралик назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар Анатомия фани бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасини Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади.